



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

## БОШ МАҚСАД – ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Халқаро анжуманда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масалалари мұхокама қилинди.

Туркистан вилоятида ўтган TIF'23 – «Туркистан: Сайёхлик, Сармоя, Иқтисодиёт» анжуманида «қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириши» мавзуида сессия ўтди. Соҳа мутахассислари уни ривожлантириш истиқболлари ва ташки бозорларга чиқиш йўлларини мұхокама қилдилар. Ирик компаниялар раҳбарлари ўз тажрибалари ва маслаҳатлари билан ўткоzlашдилар.

Тадбирни вилоят ҳокими Дархан Сатибалди очди. Анжуман олдидан Туркистан вилоятининг сармоявий лойиҳалари ярмаркаси намойиш этилди. Тадбирда қишлоқ

хўжалиги, енгил саноат, экспорт, логистика ва IT таълим каби асосий соҳалар мұхокама қилинди.

Халқаро форум доирасида Қозғистон, Туркия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Хитой, Россиянинг нуфузли компаниялари билан қатор йўналишларда 20га яқин меморандум имзоланди. Ҳусусан, Саврон туманида совутиш мосламалари ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш, Сўзок туманида фосфат тош рудасини қайта ишлаш заводи қурилиши, «Шардара» экспорт агро-саноат кластерини яратиш, Байдибек туманида паррандакчилик фермаси, металл



чилик кластерини яратиш ва конструкияларини ишлаб саноат паркини қуриш, Жетисай туманида тўқимачилик фабрикасини барпо этиш, Байдибек туманида паррандакчилик фермаси, металл

чиқарадиган завод қурилиши бўйича ва яна бошқа йўналишларда ҳамкорлик шартномалари тузилиб, меморандумлар имзоланди.

## ҲОКИМ ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Туркистан шаҳрида бизнес ва туризм вакиллари иштирокида ўтган TIF'23 – «Туркистан: Сайёхлик, Сармоя, Иқтисодиёт» халқаро анжуманияни хорижий давлатлар ва мамлакатимизнинг ирик тадбиркорлари, сармоядорлари ташриф буориши. Уларнинг бир гурухини вилоят раҳбари Дархан Сатибалди қабул қилиб, келишувлар олиб борди.

Чунончи, Туркия, Хитой, Ўзбекистон ва қозғистонлик сармоядорлар билан лойиҳалар, ҳамкорлик масалаларини мұхокама қилди. Вилоят ҳокими билан учрашган XXRнинг Қозғистондаги Баш консули ўринбосари Хуа Чонг сармоявий ва иқтисодий анжуманинг юксак савида ўтганини таъкидлаб, музокараларга қулай шароит яратилгани учун вилоят раҳбаририя тига миннатдорчилар билдири.

Учрашувда Туркия, Ўзбекистон сармоядорларининг пахта кластерини ривожлантириши ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик ўрнитиш борашибаги таъкидлариди. Шунингдек, хорижлик сармоядор



вилоятимизга сайёхларни жалб қилиш лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, Туркистонга Индонезия ва Хитойдан сайёхлар жалб қилинади.

Минтақа раҳбари вилоятининг сармоявий

салоҳиятини юксалтириш йўналишидаги тадбирлар давом эттирилиши, янги корхоналар очиши доимо эътиборда бўлишини айтиб, учрашувда кўтарилган масалалар атрофлича ўрганилишини таъкидлади.

## ТУРКИСТОННИНГ САЛОҲИЯТИ ЮҚСАК БАҲОЛАНДИ

хамда минтақада Туркия, Озарбайжон хамда ўзга давлатлар билан бирга мұхим аҳамияттағы молик лойиҳалар амалга ошириләтганини таъкидлadi.

Бизнес анжуманда Туркий давлатлар ташкилотининг Боз котиби Кубаничбек Ўмралиев ушбу тадбир ташкилотга аззо давлатлар ўртасидаги иқтисодий хамда сармоявий алоқаларни ривожлантиришига

жўшқинлик берисини қайд этди. Туркистан шаҳрининг тарихий аҳамиятига тўхталиб, халқаро анжуманда ирик шартномалар имзоланишига ишонч билдири. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон давлатлари ва "Атамекен" тадбиркорлар палатаси вакиллари, амалдор шахслар ўз фикр-муоҳазаларини билдириши.

## ПРОФЕССОРЛАР ВА МАЛАКАЛИ НОТИҚЛАР УЧРАШУВИ



## “СОҒЛОМ ҚОЗҒИСТОН” ТИББИЁТ ПОЕЗДИ – ТУЛКИБОШДА

Тулкибosh туманида “Соғлом Қозғистон” поезди Туркистан вилоятига сафарининг таъжалари сарҳисоб қилинди.

У Интимақ аҳоли манзилининг темир йўл станциясида тўхтаб, туман аҳолисига белуп хизмат кўрсатди. Иккى кун давомида малакали мутахассислар (терапевт, стоматолог, офтальмолог, ЛОР шифокори, жарроҳ, уролог, невролог, гинеколог) маслаҳатлар бериб, аҳоли саломатлигини тиклашга ҳисса қўши.

Таъкидлаш жоизки, ушбу поезд мақсади – мамлакатимизнинг олис ҳудудларида истиқомат қуловчи фуқароларга белуп тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.



»»» Қозғистон мустақиллигига – 32 ийл

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Alliance» қўшма корхонаси ва «Turkestan Textile» тикувчилик фабрикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилгани енгил саноатдаги ҳамкорликнинг муваффақияти на munasidir.

Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида транзит-транспорт соҳасидаги ҳамкорлик юксак даражада. Ҳусусан, темир йўл инфраструктурасини ривожлантириш, юқ тариф таъсисини шакллантириш юзасидан ирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кенг қамрови ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида темир йўл орқали юқ ташши ҳажми 20,5 миллион тоннани ташкил этиди.

Иккى давлат ўртасида атроф-муҳит, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик мұхим. Ўзаро сайд-харакатлар натижасида вегетация даврида Қозғистон далалари Тўктағун ва Қайракум сув омборларидан кўшимча сув билан таъминланди ва бу Қозғистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар эҳтиёjlарини қондириди. Оролбўйининг долзарб экологияк муммаларини ҳал этиш, бутун Оролбўйин худудуни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши кўллаб-куватлаш юзасидан қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

А. АБДУФАТТОХ.

## МАКТАБ ОШХОНАЛАРИ ЖИҲОЗЛАНДИ

Чордараплик тадбиркор Данияр Ўмаров тумандаги 20 мактабнинг ошхонасига зарур жиҳозларни тортиқ этиди.

Бундан ташқари, тадбиркор «Мактабга йўл» акцияси доирасида ижтимоий кам таъминланган 1500 болага мактабга зарур ускуналарни олиб берган. Бугунги кунда таълим мусасасаларида жиҳозларни тортиқ қилиш учун ўтказилган тадбирда Чордара тумани таълим бўлими раҳбарни вазифасини бажарувчи Д. Нусқабаева мактаб жамоаси номидан ҳомийга миннатдорчилек билдириб, фаолиятига муваффақият тилади.

## ЯНГИ КЎПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Саригоч шаҳрининг, Сўзоқ кўчасидаги Кескент каналини ўтидаги кўпrikни таъмирлаш ишлари яқунланиб, фойдаланишга топширилди. Тадбирда туман ҳокими Арман Абдулаев, шаҳар ҳокими Мухит Дўспўлов, зиёлилар ва шаҳар аҳолиси иштирок этиди.



Ҳоким кўпrikнинг тантанали очишли маросимида сўзга чиқиб, рамзий тасмани кирди.

Аҳоли бир неча йиллардан бўён кўтарилиб келган муаммони ҳал қилиб, қулай шарт-шароитлар яратгани учун туман раҳбарларига миннатдорчилек билдирилди.

## QR-КОД ЁРДАМИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШИНГИЗ МУМКИН

Ўтэрор туманида ветеринария соҳаси ходимларининг «Ветеринария соҳасини такомилаштириш – озиқ-овқат хавф-сизлиги калити» иғтиёлиши ўтди.

Учрашувда жонивлорлар касалликларининг олдини ва уларга қарши самарали курашиш йўллари мұхокама қилинди. Шунингдек, соҳа мутахассисларининг янги формаси таниширилиб, ускуналар гўяғизаси намойиш этилди.

Энзоотик чоралар иккى босичча амалга оширилади. Иккى босиччий мобайнида 3 056,6 минг баш қорамолга, 9 773,6 минг баш қўй-эчкига ишлов берилди.

## ОЗОДАЛИКДА БАРАКА БОР

Чордара туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган оммавий шанбалника барча давлат муассасалари ва кўнгиллилар иштирок этиди.



Ҳашар давомида йўл ва ариклар бўйлари турли чиқиндилар, шоҳ-шабба ва ҳазонлардан тозаланди. Жами 25ta техника, 9 мингга яқин одам иштирок этган тадбирда маҳсус техника ёрдамида 200 тоннага яқин ахлат чиқиндиҳоналарга жўнитилди.





»» Обуначиларимиз орасида

## ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ ВА ШУКРОНА

Үзүм Янги Икён кишилгидаги фарзандларым, ҳамкишиләрим – жами 15 ойлага "Жанубий Қозоғистон"га обунаға ҳомиийлик ҳұмматтимиң қатор ийлар давомында ёру юз билан адо этиб маңнавий бурчимнің бажарып келәттігіндең хұсандам. Барча нафакадаги юртшаларимның шу ишга хисса құшишга даеват етаман. Қышлогоғымда сүнгі иккі ийлі ичіда утағ янғы үмумтағым мактабларын бүндей этиліш ишін тушиді. Барчасына қишлоқ қызмети Тойир Абдаев, фарзандардан Үсар Нематуллаев, Олим Қосымовлар ҳамрохлігінде ташриф буюориусту шогирдларға дуоғиға тиңді. ҚР Президенттің ордені билан тақдирланған Жарилқасин Азиретбергенов раҳбарлық қылаёттан вилюяқтапқылар көңегшілдіктерге иштирок етаман. Райымжон Құчкоров раҳбарлық қылаёттан "Улес" ғайра жамағаттасында идорасыда ўтган, COVID-19 пандемиясынан сүнг яна сүнній дабдабага юз бурип тартиб доирасыдан қиын кетаёттан түй-тантаналарни истроғарчылар иппатидан холи құшишқа қарастырылған вилюяқтапқылардың тадбиге иштирек етдім. Үз оиласа мисолда муборак ҳажағасына қарастырылғанда адо эттән умр

**Бобожон Ҳожи Ықубов,**  
Түркестан вилюятынинг  
ибратли фұқароси.

Суратда: Б. Ықубов.

Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

йүлдошым, қаҳраман она Ҳузурхо Бобожон қызы билан тарбиялап вояға етказған барча фарзандларимиз түйини үзиміз бамаслашат кенгашиб режалаган даражада яхши ўтғанғында қаноат ила тақидлайман. Янъя, түй маросимы ойла имконияттары, хусусан, ота ва она белгилеган тартиб доирасыда ўтиши лозим. Бу фарзандлар учун бажарылыш шарт бўлган конун қўиди. Бугунги жамиятимиз түй ҳашамларидаги ўрин олаётган муммалик жиҳатлар, асосан, ёшларнинг ота-оналар измидан чишиб иймон, ислом дини талаб – қоидаларга муносиб келмайдиган ҳатти-хаттишлар сабаб монутаносиблик, норозиликка сабаб бўлмоқда, – деб ҳисоблайман. Бу фикримни кенгаш аъзолари кўллаб-кувватлашди. Вилюятынинг беш ийлилги қўтуғ муборак, ҳар бир оиласа барака, осойишталик, мусатхам саломатлик баракор бўлсин.



## ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ИНШООТИ

Обунада пешқадам, 105 йиллик юбилей таннанларини ҳалқаро миқёсда юксак савида нишонлаган Ҳамза номли мактаб директори Дилбар Дайметова мактаб ҳовлисида замонавий спорт мажмуси барпо этилган хушхабардан воқиф этди.



Атрофи сим түр билан иҳоталанған, чим түшалған үйингоҳ үқувчилар ихтиёрида. Эндиликада ушбу мактабда ёшлар орасида спорт усталари етишиб чи-қишига ишончимиз комил.

Тақидлаш жоиз, мактаб янги ўкув йилида ўзбек ятила таълим берадиган вилюяқтапқылар орасида пешқадам бўлиб, 145 нафар жажки үқувчилар билан машғу-

лотларни бошлаганлиги бошқа мактаблар учун ибратдир. Мехнат, максад ва муштарақ саъи-ҳаракатларнинг маҳсулни бу.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Муаллиф тасвирилари.

Вилюяқтапқылар шахри жойлашган "Жанубий Қозоғистон" вилюяқтапқыларимиз таҳририяты биносига бир гурух зиёли юртшаларимиз билан биргаликда ташриф буюриб яратилған шароитлар билан танишил.

Туркайлар олами маңнавий пойтахтида яратилған бундай ғамхўрликдан ҳар қанча ғаҳралансак арзиди. Дағлатимиз томонидан биз ўзбек ҳалқи тили, маданияти ва урғодатларни равнави үчүн яратилған имкониятлардан چексиз миннатдор бўлдик. "Жанубий Қозоғистон"га обуна бўлиш орқали давлатимизнинг биз ўзбек ҳалқи тили ҳурматига яратилған ғамхўрликка миннатдорчилек жағовини берган бўламиз. Мен шахсан

## САЙРАМ - БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ



Санжар Файзиев раҳбарлик қылаёттан Яссавий номли умумий ўрта мактабда XII асрда Марказий Осиёдаги илк тасаввүғий тарихиат қасиғиси Ҳожа Ахмад Яссавий хотириасига бағишилган "Сайрам - буюк алломалар түғилган замин" мавзуда тадбир ўтди. Уни 6-“А” (тасвирида) синф раҳбари, биология фани ўқытучиси Қундузой Ҳусниндинова уюштириди ва олиб борди.

Тадбирда мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этди. Ўқувчиларга слайдлар орқали Ҳожа Ахмад Яссавийнинг Сайрамда, Шайх Иброҳим оиласидан түғилгани, ота-онасидан эрта ётим қолиб, опаси Гавҳар Шаҳноз тарбиясида вояға етгани, дастлабки таълимитони Яссавидаги машхур олим Шаҳобиддин Исфижобидан олганни каби кўплаб маълумотлар берилди.

Мактаб ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб, Яссавийнинг тарихда тутган ўрни, "Девони ҳикмат" китобига киритилған шеърларидан парчалар ўқиб, унинг шажараси ва муҳри

ҳақидаги маълумотлари билан ўртоқлаши.

Дарҳақиқат, Яссавийни билиш – бу энг аввало, шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқатни билиш демак. Яссавийни билиш – бу инсон ақли, қалби ва руҳи сирларини терағанглаб, комиллик мақомидан оғох бўлиш демак.

Тадбир ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб, Яссавийнинг тарихда тутган ўрни, "Девони ҳикмат" китобига киритилған шеърларидан парчалар ўқиб, унинг шажараси ва муҳри

М. УСМОНОВА.

«Фараб» кутубхонасида "Ақкли болага – "Ақылдым" түхфа" танылған. Үнда ҳар бир тұмандан вилюяқтапқылар оласынан 18 нафар бола иштирок этди. Танлов давомидан иштироки болалар түқиган эртаклар түпламининг тақдимоти ўтди.

Танлов натижаларига кўра, Мақтаарал, Жетисай, Қазигурт туманлари ва Туркестан шаҳридан номзодлар маҳсус номинацияларга сазовор бўлишиди. Учнини ўринни келеслик Ерсултун Икрам кўлга киритиб, Туркияга йўлланма олди. Иккичи ўринни эгаллаган тулкибошлик Лала Кулиева Грузияга, биринчи ўрин голиби тўлебийлик Думан Жақсилик Дубай шаҳрига йўлланма олди. Бош соворини кўлга киритган Мерей Балтабек Таиландга йўлланма ва 30 000 тенге миқдорида «Фараб» кутубхонасининг маҳсус пул мунофотига эга бўлди.

Барча иштирокчиларга Қозоғистон Республикаси таълим вазирининг ташаккурномаси топширилди.

Вилюяқтапқылар ҳизмати.

## ЭРТАКЛАР ҲАЁТГА АЙЛАНГАН ЮРТ



– Ўзбек тили ва адабиёти фаниниң ўқытишдан максадим: тил имкониятларидан тўғри, аниқ, ўринни ва унумли фойдаланиш, ўқувчи тафакурини ривожлантириш, шарқона тарбиияни шакллантириш, ўқувчиларда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш ва саводонниклик оширишдан иборат, – дейди ўзбек тили ва адабиёти фанни ўқитувчиси Заира Файзиева.

Абзал Тағаев раҳбарлик қылаёттан 91-сонли мактабнинг 5-6-7-9-синфларига ўзбек тили ва адабиёт фанни ўқитувчиси Заира Файзиетовна мактаб кутубхонасида "Ижод сарчашмаси" мавзуда кечга уюштириди.

Тадбир ўқувчиларнинг шўх рақслари, шоир ва ўзувчиларнинг шеър ва достонларини ёд олиш билан бошланди. 6-синф ўқувчиси Жасмина Мирсоатова, Гўзл Ӣўлдушева, 5-синф ўқувчиси Муслимна Рустамовалар ўзлари ёзган шеърларини ўқиб беришиди.

Тадбирга ташриф буюрган "Юксалиш" лидерлар академияси директори Сардор Асаметов, "Жанубий Қозоғистон" вилюяқтапқылараси мухбира Мухтабар Усмонова, ёш ижодкор Гулирашо Курбонхўжаева, ҳалқаро бизнес-тренер, менежмент бўйича маслаҳатчи Шавкат Каримовлар ўқувчиларга она тилини му-



каммал билан чегараланиб қолмай, аждодларимиздан ўрнак олиб, бошқа тилларни ҳам изил ўрганиш илм-фан, техника соҳаларидаги ҳам дунё ҳалқларни ўришган улкан муваффақиятлардан ҳалқ равнави, мамлакатимиз тараққиети йўлида унумли фойдаланиш учун зарурлигини таъкидлайдилар.

Ёш ижодкор Г. Қурбонхўжаева она ҳақидаги шеърини ўқиб берди. Меҳмонлар ўз ҳаётини тажрибалари билан ўртоқлаши. Ҳаётда каттао кичик муваффа-

"Жанубий Қозоғистон" мухбира.

»» Кунлардан бир кун  
**ФАЛОНЧИЕВ,  
ПИСТОНЧИЕВ,  
ПИСМАДОНЧИЕВА...**

Бир йигилишга бориб ҳисобот ёзишигла түркі келди. Шалтай-балтай гаплар билан минбарга кўтариувчилар кўпайиб кетди.

Мақола чиққандан кейин уч кунларда кўзига кўзиган тақсан, қотмадан келган, устидан сигарет ҳиди анқиб турган зиблиномада бир киши кириб келди.

– Бизнинг йигилишини ёзган журналист сиз бўласизми?

– Ҳа. Хизмат, бирорадар?

– Мен сиздан хафаман.

– Hera!

– Тунов кунги йигилишда сўзга чиққандим. Журналистлар кўрсиган деб ҳатто минбарни ташлаб заплинг тўрига чиқиб гапидим. Биласизми, менинг ҳатто биринчи раҳбар ҳурмат қилади. Кўксимга бежиз орден тақиб кўймаган. Сиз маколангизда исим фамилияни келтирмабисиз. Билиб кўйинг! Ушбу ташкилотда йигилишлар мен сўзга чиқмасам ўтмайди.

– Кечирасиз, мен йигилишда сўзга чиққандарни исим фамилияларини битта қолдирманган.

– Газетангиз кўлимда. Ҳани, менинг фамилияни толиб берингчи!

– Мана! Ҳаммаси жойда. Фалончиев, Пистончиев, Писмадончиева ва бошалар сўзга чиқиши, деб ёзғанман-ку! Ана шу бошқаларнинг ичидаги сиз ҳам борсиз.

Суҳбатдоши оғзини Амир Темур горидай очганча лом-мим демай ўтириб қолди.

Муҳаммадали АҲМАД.

Юришиз, туришиз, ижодимиз таҳрирталаабдир

У на бир аёлиё, на зоти шариф, Балқи, бир фиръавн унга салафдир, Ҳар босған изига минг битта таъриф, Лекин бу таърифлар таҳрирталаабдир.

Гарчи на ағсунгир ва на қаҳрамон, Кўлида сеҳрли ойна жаён, Кўрсатар у нени истаган ҳамон, Лекин бу тасевирлар таҳрирталаабдир.

У на бир табибдир ва на шифокор, Пойга бош урар саноқсиз бемор, Битта дардга ташхис қўяди юз бор, Лекин бу ташхислар таҳрирталаабдир.

У на бир муаррих ва на аллома, Соҳита шуҳрат ичра сузар мастона, Ажаб тарих тўқир, ёзар солнома, Лекин бу тарихлар таҳрирталаабдир.

У на мунажжим, на соҳиб каромат, ўзи ўйнарсдан сўйлар аломат, Нурил келажакдан қилар башорат,

Лекин бу таъбирлар таҳрирталаабдир.

Анвар ЭМИН.

»» Футбол

## АББОС ФАЙЗУЛЛАЕВНИ МЕССИГА ТАҚҚОСЛАШДИ

Миллатдошимиз бунга жавоб қайтарди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Файзуллаев "Интер Майдами" ҳужумчиси Лионель Мессига таққослашлари ҳақида гапирди.

– Мени ўзбек Месси дейишидими? Йўқ. Мен Леони яхши кўраман, лекин мени Аббос деб ташхисларини истайман, – деб интервью берган миллатдошимиз.

"Жанубий Қозоғистон" мухбира.